



ТОШКЕНТ

Газета 1966 йил 1 июлдан
чиқа бошлаган

Шаҳар ижтимоий-
сиёсий газетаси

O'ZBEKISTON
RESPUBLIKASI
MILLIY KINOLAR PALATASI
INV. №



ПОЙТАХТНИНГ
БИР КУНИ

Иқтисодий • Ижтимоий • Соҳа • Маданият

ЯНГИЛИКЛАР • ВОКЕАЛАР • ЖАВАБЛАР

Хабарингиз борми?

«НУР» ГУЗАРИ

Ўтган шанба кун пойтахтимизнинг Мирзо
Улуғбек туманида яна бир аjoyиб иншоот —
маҳалла гузарининг тантанали очилиш мароси-
ми бўлди.

Эрталабданоқ карнай-
сурнай садолари «Нур»

маҳалласида бунёд этилган
янги, замонавий гузарнинг
тантанали очилишига одам-
ларни чорлади. Бу маро-
симга Тошкент шаҳар
ҳокимлиги ва Мирзо
Улуғбек тумани ҳокимлиги-
нинг мутасаддилари,
шаҳар жамоатчилигининг
вакиллари, фан ва мадани-
ят намояналари, санъат-
корлар, маҳаллалардан
азиз меҳмонлар ташриф
буйришди.

— Шу пайтга қадар ту-
манимизда 17 та гузар фа-
олият кўрсатиб келарди, —
дейди Мирзо Улуғбек туман
ҳокимининг ўринбосари
Илҳом Расулов. — Мана бу-
гун яна бир аjoyиб гузар-
нинг очилиши шохиди
бўлиб турибсиз. Ўйлаймиз-
ки, ушбу гузар ҳам тумани-
мизда ўтказиладиган янги-
ча анъана ва маросимлари-
мизнинг аjoyиб маскани
бўлиб қолади. Бу ерда бар-
ча кулай шароитлар яра-
тилган.

Ха, дарҳақиқат, «Нур»
маҳалласининг гузари
одамлар ҳавас қилса ар-
зийдиган яна бир аjoyиб
маскан бўлди. Тўқин дас-
турхон атрофига тўпланган
меҳмонлар шу кунни уни
бунёд этган қўли гул қурув-
чилар меҳнатига таҳсинлар
айтишди.

Хондамир СОЛИХОВ.

Тошкент шаҳар ҳокимлигида

Ўзбекистон Қизил Ярим Ой Жамияти Тошкент шаҳар қўмитаси ҳисобида хайрия йиғиш ойлигини ўтказиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 йил
28 майдаги Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг
1992 йил 5 октябрдаги 458-сонли «Ўзбекистон Қизил
Ярим Ой Жамияти тўғрисида»ги қарорини бажариш
мақсадида Тошкент шаҳар ҳокими К.Н. Тўлағонов
«1998 йилнинг 10 декабридан 1999 йилнинг 10 янва-
ригача Ўзбекистон Қизил Ярим Ой Жамияти Тошкент
шаҳар қўмитаси ҳисобида хайрия йиғиш ойлиги ўтқа-
зиш тўғрисида» қарор қабул қилди.

Унга мувофиқ Ташкилий қўмита таркиби ва тадбирлар ре-
жаси тасдиқланди.

Ўзбекистон Қизил Ярим Ой Жамияти Тошкент шаҳар қўми-
таси ҳисобида хайрия йиғиш ойлигини ўтказиш Ташкилий қўми-
таси зиммасига фаолият кўрсатаётган барча бошқармалар,
бирлашмалар, ташкилотлар орқали Қизил Ярим Ой Жамияти
Халқаро ҳаракатининг аҳамиятини тушунтиришда ва бу таш-
килотларнинг хайрия йиғиш ойлигида иштирок этишида, та-
биий офатлар ва бошқа фақуллода вазиятлар рўй берганда
захирандан сарфланган ашёлар ўрнини тўлдираришда Ўзбеки-
стон Қизил Ярим Ой Жамияти Тошкент шаҳар қўмитасига
ёрдам кўрсатиш топширилди.

Туман ҳокимлирига мулкчилик шаклидан қатъи назар фао-
лият кўрсатаётган барча корхона, жамоа, давлат ҳўжаликлари,
биржа, банклар, бирлашма ва ташкилотларда Ўзбекистон Қизил
Ярим Ой Жамияти Тошкент шаҳар қўмитаси ҳисобида маблаг
тўллаш ойлигини юқори савияда ташкил этиш вазифаси юк-
латилди.

Туманларда тузилган Ташкилий қўмита ёрдамида хайрия
тадбирлари, тасдиқланган режа бўйича марафон тадбирлари
ўтказишни таъминлаш, уларнинг натижаси ҳақидаги маълум-
отни шаҳар Ташкилий қўмитасига тақдим этиш топширилди.
Хайрия йиғиш ойлигида тўпланган маблаглар Ўзбекистон
Қизил Ярим Ой Жамияти Тошкент шаҳар қўмитасининг Ўзе-
бекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият банкнинг
беш амалиёт бўлими, МФО 00407, 20212000900126451001 ҳисоб
рақамига ўтказиш белгилан қўйилди.

Молия бош бошқармаси зиммасига Қизил Ярим Ой Жамия-
ти Тошкент шаҳар қўмитаси тасарруфидоги меҳр-шафат
хамшираларининг барча турдаги жамоат транспортида (так-
сидан ташқари) бепул юриши учун маблаг ажратишни назар-
да тутиши юклатилди.

Халқ Демократик
партияси Сергели ту-
мани бўлими ва Уйғур
маданияти маркази-
нинг туман бўлими бил-
лан ҳамкорликда дўсто-
на учрашув бўлиб
ўтди.

Учрашувда геология, фи-
зика, механика, тарих, фал-
сафа соҳасидаги олимлар,
рассомлар, шoirлар, ёзув-
чилар ва санъаткорлар иш-
тирок этишди.
— Туманимизда уйғур ма-
данияти марказининг туман
бўлими 1991 йилдан ўз фа-

Дўстона учрашув

олиятини бошлади. Сергели-
да уйғур миллиятига мансуб
350 оила яшайди. Улар бар-
ча жамоат ишларида иштирок
этиб, мустақил Ўзбекистон-
нинг ютуқларига ўз ҳиссала-
рини қўшиб қўлади, — дейди
Уйғур маданияти маркази ту-
ман бўлими бошлиғи Комму-
нар Тоиров. — Биз Юртбо-
шимиз Ислам Каримовнинг
китобларини ўқиб чиқиб, ун-
даги билдирилган доно фик-
рлардан хулоса чиқарган

холда иш қўраймиз. Шу-
нингдек, яқинда эълон
қилинган тўй-ҳашамлар,
тантана, маърака ва маро-
симларни тартибга солиш
ҳақидаги Президентимиз-
нинг Фармони юзасидан
кенг тушунтиришлар олиб
борилмоқда. Бу борада
Халқ Демократик партияси
Сергели тумани бўлими
бизларга яқиндан ёрдам
бераётир.

Гулбахор МҲМИНОВА.

Янги нәшрлар

«ШАРҚ ТОНГИ»

Юртимизда чоп этиладиган газе-
талар яна биттага қўяйди. Респу-
блика «Маънавият ва маърифат» жа-
моатчилиги марказининг Тошкент
шаҳар бўлими ҳамда «БИЗЗ универ-
ком» фирмаси муассислигида «Шарқ
тонги» газетаси чиқа бошлади.

Газетанинг биринчи бетиде бугунги кунда
Президентимиз ҳамда ҳукуматимиз томо-
нидан ёшларга кенг имкониятлар
туғдирилётгани, чунки эртанги кунимиз
ҳозирги ёшларга боғлиқ экани, «Шарқ то-
ни» ана шу ёшларга атаб чиқарилаётгани
ҳақида сўз боради. Иккинчи бетда Респу-
блика «Маънавият ва маърифат» маркази
Тошкент шаҳар бўлимининг раиси, проф-

ессор Садир Салимовнинг «Маънавият
орқали қамолот сари» мақоласида газе-
танинг вазифа ва мақсадлари очиб берилган.
Газетанинг тўртинчи бетиде «Эрингиз
энди ўзингизга сийлов» мақоласида аёл ки-
шининг ҳаётдаги ўрни қандай бўлиши ло-
зимлиги бир ҳаётий воқеада кўрсата олин-
ган. «Севган қизим... санъат» номли
суҳбатда бугунги кунда айниқса ёшлар ора-
сида ўзининг «Қурбон бўлман» қўшиғи бил-
лан танилган «Аср» эстрада гуруҳи хонан-
даси Абдулвазиз Каримов билан танишиш
мумкин. Бундан ташқари газетадда «Етиб
бўлмайдиган манзил», «Қора олтин» талва-
саси», «Ун сажиз ёшда танилдим» номли
мақолалар ҳам ўқувчиларни ўзига жалб эта-
олади.

Мурод РАХИМОВ.

БАҲСЛАР ҚИЗГИН ПАЛЛАДА



Бангкокда ўтаётган Осиё ўйинла-
ри тобора қизгин паллага кир-
моқда. Биз авваламбор жуда
қизиқарли кечаятган футбол турни-
ри тўғрисида тўхталиб ўтмоқчимиз.

Маълумки, иккинчи
босқинчи сўғити ўйинида
туркманистонлик чарм тўп
усталари билан беллашган
юртдошларимиз 1:1 ҳисоби-
да дуранг натижага эри-
шди. Шундай қилиб, беш
ўйинда уч галаба ва икки
дуранг натижага эришган,
энг аjoyиб тўплар нисбати
— 25:4га эга ўзбекистонлик
футболчилар биринчилар
қаторида чорак финал
баҳсида қатнашиш ҳуқуқини
қўлга киритдилар.

Бугун

футболчиларимиз бугунги
кунда Осиёдаги энг кучли
жамоа — Францияда ўтган

жаҳон чемпионатида ушбу
китъа командалари орасида
энг умидбахш ўйин
кўрсатган Эрон терма жамо-
аси билан беллашадилар.
Қолган баҳсларда эса қўи-
даги жамоалар ярим финалға
чиқиш учун курашади: Турк-
манистон — Хитой, Кувейт —
Катар, Корея — Таиланд.
Бошқа спорт турлари
бўйича мусобақаларда ҳам
ҳамюртларимиз салмоқли
ютуқларни қўлга кирит-
моқдалар. Хусусан, босқон
улоқтирувчиси Андрей Абду-
валиев 77 метр 14 сантиметр
натижа билан қумуш медал-
ни қўлга киритди. Ушбу
мусобақаларда яна бир

ҳамшаҳримиз Евгений Хожа-
телов тўртинчи бўлди.
Боксчилар мусобақасида
ҳам ҳозирча Т.Тулянов,
Н.Отаев, Т.Сулаймонов,
Д.Ербеков, Р.Чагаев каби
вакилларимиз барча учра-
шувларни галаба билан
яқунлаб медаллар томон
интиломоқдалар.

Оғир атлетикачилар
баҳсида 95 килограмм вази-
нлилар ўртасида Бахтиёр
Нуруллаев 397 килограмм
натижа билан бронза ме-
далларининг соҳиб бўлди.
50 метрга милтиқдан
отиш бўйича аёлларимиз
жамоаси ва теннис
баҳсида ушбу жамоанда
ҳисобида ҳам юртдошлари-
миз учинчи бўлишди.
Юнон-рум курашчиимиз
Баҳодир Қурбоннов финал-
да корейлик спортчига
баҳсини бой бериб, қумуш
нишонини қўлга киритди.
Беллашулар 20 декабр-
га қадар давом этади.
Дилмурод ИСЛОМОВ.

ДАВР САДОСИ



МАМЛАКАТИМИЗДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
Фармонида кўра Марказий Осиё халқлари ма-
даниятлари Ассамблеясининг президенти,
машҳур ёзувчи ва жамоат арбоби Чингиз Ай-
матов «Буюк хизматлари учун» ордени билан
мукофотланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
«Ўзбекнефтгаз» нефть ва газ саноати Миллий
корпорациясини «Ўзбекнефтгаз» Миллий хол-
динг компаниясига айлантириш тўғрисида»ги
Фармонга имзо чекди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар
Маҳкамаси Давлат тили тўғрисидаги қонунни
амалга ошириш ва топонимик объектларга ном
бериш масалаларини мувофиқлаштирувчи Рес-
публика комиссияларининг қўшма мажлиси
бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар
Маҳкамасида Ватан озодлиги йўлида жон фидо
қилган миллий қаҳармон, жаҳон халқлари тари-
ҳида ўчмас из қолдирган Жалолиддин Манғубер-
ди таваллудининг 800 йиллигини нишонлашга
тайёргарлик қўриш ва уни ўтказиш бўйича ташки-
лий қўмитанинг мажлиси бўлиб ўтди.

Тошкентда Ўзбекистон Хотин-қизлар қўми-
тасининг пленуми бўлиб ўтди.

«Экосан» экология ва саломатлик халқаро
жамғармасида соғлиқни сақлаш тизимини
ислоҳ қилишга бағишланган илмий-амалий се-
минар ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар акаде-
миясининг Қорақалпоғистон бўлимида мамла-
катимиз раҳбари Ислам Каримовнинг «Ўзе-
бекистон буюк келажак сари» китобини ўрганиш-
га бағишланган илмий конференция бўлиб
ўтди.

Пул-кредит сиёсати бўйича Республика
комиссиясининг навбатдаги кенгайтирилган
мажлисида Вазирлар Маҳкамасининг пул муо-
маласини барқарорлаштириш тўғрисидаги қаро-
рини бажариш бўйича жорий йилнинг ўн бир
ойлик кўрсаткичи муҳкама этилди.

«Навуои дон қабул қилиш пункти» акция-
дорлик жамиятида Италия технологияси бўйича
шу мамлакат жиҳозлари ёрдамида беш хилда-
ги мақорон маҳсулотларини тайёрлаш ўзлаш-
тирилди.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги-
да идоранинг маркетинг хизмати фаолиятини
такомиллаштиришга бағишланган амалий се-
минар бўлиб ўтди.

«Ўзбектелефилм» студиясида Ўзбекистон
халқ ёзувчиси Ойди Ёқубовнинг «Адолат ман-
зили» асари асосида суратта олинган филь-
мининг тақдими бўлиб ўтди.

Мукаррама Турғунбоева номидаги
«Ўзбекракс» бирлашмаси ҳузурда «Мукарра-
ма» ракс студияси ўз фаолиятини бошлади.

Буюк ватандошимиз Абу Райҳон Беруний-
нинг юрти бўлган Қорақалпоғистон Республика-
сининг ўрта бўлган Қорақалпоғистон Респу-
бликасининг Беруний туманидаги улус олим номи
билан аталувчи мактабда буюк мутафаккир му-
зейи очилди.

ЖАҲОНДА

Вашингтонда фахрийлар ташкилотлари-
нинг навбатдаги симпозиуми ўтказилди. Унда
биринчи бор Ўзбекистон вакиллари иштирок
этидилар.

Туркманистонда Бетарафлик кўни нишон-
ланди. Ашгабатда 75 метрлик Бетарафлик арки

очилди, унда мамлакат Президенти Сапарму-
род Ниёзовнинг 12 метрлик тилла суви юри-
тилган ҳайкали ҳам ўрнатилган.

Германиянинг янги канцлери Герхард
Шрёдер ўз мамлакатининг келгуси йилнинг ян-
варидан Европа Иттифоқига раислик қилиши-
дан фойдаланиб Боннинг Европа Иттифоқи ха-
зинасига тўлайдиган бадаллари микдорини
қамайтирмоқчи. Бу ҳақда канцлер Бонн парла-
ментидаги нутқида айтди.

Миср ички ишлар вазири Ҳабиб ал-Од-
дӣи жағари ислом ташкилотининг собиқ аъзо-
ларидан 760 кишини ҳисбдан озод этиш ҳақида
фармойиш чикарди.

Ашгабатда туркман газини Украинага ет-
казиб бериш юзасидан Туркманистон — Укра-
на музокаралари тикланди.

Бельгиянинг Брюссель шаҳрида НАТО до-
имий қўмитаси аъзоларининг анжумани бўлиб
ўтди. Унда истиқболдаги стратегик вазифалар
тўғрисидаги масалалар ўртага ташланди.

Индонезияда мамлакат собиқ раҳбари Су-
харто устидан қўзғатилган жиноий иш бўйича
тергов давом этмоқда. Уни олиб бораётган ҳуку-
мат комиссиясининг маълум қилишича, Сухар-
то порахўрлик, уруғ-аймоғчилик билан бирга
давлатнинг 40 миллиард АҚШ долларлик
маблагини ўзлаштириб олганлиқда ҳам
айбланмоқда.

Франкфурт-Майнда 50-Халқаро китоб яр-
марка-кўргазмаси ўтказилди. Ушбу кўргазманинг
стендларидан бирида Ўзбекистоннинг матбаа
маҳсулотлари ҳам намойишга қўйилди.

Ҳиндистон собиқ Бош вазири Раҳив Ган-
диннинг беваеси Соня Ганди сайловолди қон-
унида фаол қатнашишга қарор қилди.

Бангладешда Хиндистон, Мьянма, Шри-
Ланка ва Таиланда ишлаб чиқарилган
маҳсулотлар ярмаркаси очилди. Унда маъзур
мамлакатларнинг 50 дан ортиқ фирма ва ком-
паниялари иштирок этмоқда.

АҚШ Давлат котиби Мадлен Олбрайт агар
Ироқ бундан буюн ҳам БМТ махсус комиссия-
сининг ҳарбий назоратчилари олдиға голлар
қўйдиган бўлса, АҚШ ўзининг ана шу мамла-
катга ҳарбий жиҳатдан бостириб кириш режа-
ларини амалга оширишга киришиши ҳусусида
баёнот берди.

Маълумки, Индонезия Жануби-Шарқий Осиё
мамлакатларида юз берган молиявий бўҳрондан
энг кўп талафот кўрган давлат ҳисобланади.
Мамлакатда оч-нақор кишиларнинг сони кес-
кин қўпайган. Шу сабабли қўллаб индонезия-
ликлар ўз турар жойларини ташлаб, ноқонуний
равишда қўшни мамлакатларга кетмоқда.

Кеча эрталаб Афғонистон пойтахти Кобул
шаҳри ракетадан ўққа тутилди. Шунинг
оқибатида етти киши ҳалок бўлди. Кеча қўндузи
тўртта енгил ракета Кобул аэропорти яқинида
портлади. Шунинг оқибатида бир қанча уйлар
яқсон этилди. Ҳалок бўлганлар ҳақида ҳозирча
маълумотлар олингани йўқ.

Голландия киролчаси Беатрикс Утрехтда-
ги кирол зарбонасида дастлабки еврони зарб
этди. Бу билан у Голландияда янги Европа тан-
галарини чиқариши бошлаб берди. 2002 йил-
да бундай тангалар сони миллиарддан ошиб
кетди.

АҚШнинг бир гуруҳ олимлари галати ху-
лосага келдилар. Агар бола қовурилган кар-
тошка қаламчаларини кўпроқ севиб еса, у ито-
актор, бахтли, босиқ бўлиб ўсармиш.
Тадқиқотчилар дунёнинг турли минтақаларида
таҳриблар олиб боришга, ана шундай нати-
жани эълон қилдилар.



«Йўлдош Охунбоев номидаги бош
қийимлар фабрикаси» ҳиссадорлик
жамияти шаҳримиздаги тўла қувват
билан ишлаётган корхоналардан бири
ҳисобланади.

Корхонада бозор иқтисодиёти қонунлари
чўқур ўрганилиб, меҳнат жараёнига ижодий
ёндашилаётгани боис ишнинг унумдорлиги
баланд. Зеро, корхонанинг тўрт юзга яқин
ишчиси бир кун ҳам ишсиз қолгани йўқ.
Уларнинг ўртача ойлик маошлари 6820 сўмни
ташқил этмоқда.

Корхонада иккита тикувчилик ҳамда би-
чув, тайёрлов, таҳриба цехлари мунтазам
ишлаб турибди. Бир ойда ўртача 16 милли-

он сўмлик турли хилдаги бош қийимлари, қий-
им-кечалар, халатлар тикилмоқда.

Бош қийимлар фабрикасида лобарларнинг
самарали фаолият кўрсатиши учун тегишли
барча шарт-шароитлар ташқил этилган. Тиб-

Саноат

ПОБАРЛАР

бий қўрик қонаси, ошхона намунали хизмат
кўрсатмоқда. Ишчиларга сут, қатиқ
маҳсулотлари доимий етказилиб турилади.
Дам олиш масканларига, даволаниш санато-
рийларига қасба уюшмаси қўмитаси томо-
нидан йўлланмалар берилади. Соғлиқни тик-

ловчи ишчиларга ўртача 3 минг сўмдан 4,5
минг сўмгача ёрдам пули берилади.

Корхона Оила Йилида қўллаб хайрия тад-
бирларини ўтказиб келмоқда. Хусусан, Собир
Раҳимов туманидаги Қариялар уйи ҳамда 219-
ўрта мактабни доимий оталиққа олиб, уларга
хайрия инъомларини ажратиб турибди. Булар-
нинг барчаси меҳнатдаги ютуқларга мустаҳкам
заминдир.

Даврон ИСАЕВ.

СУРАТЛАРДА: корхонанинг таҳриба цехи ан-
дозачи-лойиҳачилари Гўзал Абдуҳақимова ва
Ноила Багаутдиновалар уйи устида; қасба-
уюшма қўмитаси раиси Лола Абдурахмонова
ва 1-тикув цехининг илгор тикувчиси Мухайё
Шобобоевалар ўзаро мулоқотда.

Солих Зоир олган суратлар.

Марказий Осиёда ягона ҳисобланган ва бугунги кунда пойтахтимиз аҳолиси ва меҳмонларини ўзининг намунали хизмати билан маънун эътибор қўлар ва тазорлар транзит тури бўлган Тошкент метросининг фаолият кўрсата бошлаганига 21 йил бўлди. Ана шу ўтган давр мобайнида шонли йўлга босиб ўтган метро бугун ҳаётимизга сингиб кетди. Эл хизматига астойдил бел боғлаб, уларнинг оғирини енгил, узогини яқин қилаётган метросозларнинг бугун одамлар олдига юзлари ёруғ, ҳаммаша йўловчиларни манзилларига бекатлар етказишига шай. Икки — «Милонзор» ҳамда «Ўзбекистон» йўналиши бўйлаб 23 та бекатда поездларнинг мунтазам қатнови йўлга қўйилганлиги, ҳар бир бекатдаги ўзига хослик, шинамлик ва озодалик метро йўловчиси дилига завқ бағишлаб, уларнинг йўлларини ҳам ёритаётганини эътибор қўлар. 30,5 километрни ташкил этган ана шу икки йўналишда куну тун самарали меҳнат қилаётган 3 мингдан ортиқ метросозларнинг бугунги кайноқ ҳаёти, вазибалари, келажак мақсадлари тўғрисида Тошкент метрополитени бош муҳандиси Ринат УРМОНОВ куйидагиларни сўзлаб берди:

— Ҳар бир жамоа ўз олди-га улкан мақсад ва вазибаларни қўйган ҳолда меҳнат қилар экан, албатта мавжуд имкониятдан самарали фойдаланиш йўлида изланади. Орадан шунча йиллар ўтаётган бўлсада, метромиз худди кечагина иш бошлагандай янги, ораста ва тартибли эканлиги ҳамда йўловчиларнинг ишончини тула оқлаётганини ҳодимларимизнинг сидқидилдан ишлаётгани самарасидир. Метро ўзининг ilk хизмат даврида 12,2 километрдан ташкил топган 9 бекатни бirlаштириб, кўнига 120 минг йўловчиларни бекатлар ва ўз вақтида манзилларига етказган бўлса, бугунги кунда 23 бекатда ҳар кўни 500 мингдан ортиқ йўловчиға намунали хизмат кўрсатмоқда. Шунинг алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, ҳозирда метрополитени бир кеча-кундузда бир миллиондан ортиқ йўловчиларни ташкил қувватига ва имкониятига эгадир.

Шаҳримиз аҳолиси кундан-кунга қўлайиб, жамоат транспортига бўлган талаб ортиб бораётган даврда метросозлар — яъни ер ости қасри ҳодимлари ҳам йўловчиларга ҳар томонлама қўлайлик яратишга ҳаракат қилмоқдалар. Метронинг бошқа транспорт турларидан фарқи шундаки, у ер остида жуда аниқ жадвал бўйича ҳаракат қилади. Шунингдек, ҳодимлар учун махсус чиқарилган «Техник хизмат кўрсатиш қондалари» китоби ҳар бир метросоз учун муҳим ва зарур қўлланмадир. Шу сабабли ҳам тартиб-интизомга қаттиқ риоя қилинади. Ҳамшаҳарларимизнинг бош транспорт бугунги ҳисобланмиш метромиз йиллар ути-

га қарамай, орасталигини йўқотмади...

— «Ким ишлашни хоҳласа имконият қидиради» деган гап жуда топиб айтилган. Нафақат ҳамшаҳарларимиз, балки жуда кўплаб хорижий меҳмонлар ҳам метромиздаги озодагарчиликка ҳавас билан қарашади. Биз бунга ўз саъй-ҳаракатларимиз боис эришмоқдамиз. Чунки ҳар бир бекат бошлиғи ва фаррошлар тозаллигини биринчи уринга қўядилар. Йўловчилар ҳам шунга урганишида ва кўникишида.

Пойтахтимиз метросида яна шундай қўлайлик мавжудки, буни ҳали Ҳамдўстлик давлатла-

ҳиссдорлик жамиятлари билан ўзвий алоқаларимиз давом этмоқда. «Коинот» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасида тайёрланган янги автоматназорат пункти айна кўнларда «Мустақиллик майдони» ва «Амир Темури хиббони» бекатларига ўрнатилди. Келгусида бу пунктлар янги бекатларнинг барчасига ўрнатилиши кўзда тутилмоқда.

Шунингдек, хорижий давлатлар билан ҳам эҳтиёт қисмлар, керакли деталлар етказиб бериш бўйича шартномалар асосида иш юритмоқдамиз. Россия, Украина, Беларусь, Германия ва Франция мамлакатлари ана шу давлатлар жумласига қиради.

Ҳозирда метрополитенининг ўзидан 300 номдаги эҳтиёт қисмларни ишлаб чиқариш амалига оширилган. «Ўзбекистон» электр депоси қошида ҳаракатлантирувчи таркиб таъмири бўйича қўрилиш ишлари низоҳасига етмоқда.

— Метрополитенининг келажаги ҳақида ҳам бироз тўхталиб ўтсангиз.

— Айрим муаммо ва қийинчиликларни эътиборга олмаганда Тошкент метроси ривожланиб ва кенгайиб бораётгани, олға қараб ҳаракат бўлаётгани бугунги ишларда кўриниб турибди.

«Юнусобод» йўналишининг 6 та бекатни бirlаштирувчи биринчи навбати қўрилиши қизғин давом этмоқда. Бу бекатларнинг айримларида қўрилиш-тиклаш ишлари низоҳасига етгаётган бўлса, баъзиларида пардозлаш ишлари авжиде. «Юнусобод» электр депоси қўрилиши жадвал сўрталарда бошлаб юборилди. Шунингдек, келгусида Собир Раҳимов бекатидан Сергелигача биринчи йўналишининг давомини бунёд этиш режаланган. Бу ишларнинг барчаси имконият даражасида амалга оширилмоқда.

Метронинг иш фаолиятини кенгайтириш, янги йўналишлар қўриш — бу ҳалқимизга кўрсатаётган ғамхўрлик намунаси десак асло янглишмаймиз. Энг асосийси эса, аҳоли учун қўлайлик яратиш, пойтахтимиз довуғини ер ости қасримизнинг чиройи ва намунали хизмати билан жаҳонга янада кўпроқ таратишдир.

Шарифа ИЛЕСОВА.

Метро

ФАХРПАНАСА АРЗИЙДИ

ши мобайнида ўз иш услубини фақат ижобий йўналишларга қаратмоқда. Бизнинг асосий мақсадимиз аҳолига ҳаммаша сидқидилдан хизмат қилиб, уларнинг ишончини оқлашдир. Яъни жамоат транспорти ўртасидаги рақобатда ҳар доим олдинги сафда бўлишга интиламиз.

— Метрода бошқа давлатлардаги бу транспорт тури билан алоқалар қай тарзда давом этмоқда?

— Албатта, ҳамкорликсиз, бир-биримизнинг тажрибаларимиз, метрода амалга оширилаётган янгиликлардан хабардор бўлмай, кераклиларини амалда қўлламай туриб ишни олға силжитиш қийин. Биз ҳам Ҳамдўстлик давлатларида мавжуд метросозлар билан ўзвий алоқаларда ишлашимиз, фойдали учрашувлар ва мулоқотлар асосида ишлаймиз. Фикримизнинг далили сифатида шу йилнинг 22-23 сентябрь кўнлари пойтахтимизда бўлиб ўтган Ҳамдўстлик давлатлари метроси электрчиларнинг кенгашини келтиришми мумкин. Бу анжуманда нафақат ютуқлар гапирилди, балки муаммолар, биргаликда баҳариллиш лозим бўлган вазибалар хусусида узаро фикр алмашилди.

— Жуда қўлайлик метро бекатлари бир кунда минглаб одамлар қириб-чиқиши-

рининг бирорта метросида учратмайсиз. Бу ҳар бир ер ости қасри бекатларида ҳаво алмаштириш мосламасининг ишлаб туришидир. Яна шунча ҳам таъкидлаб жоизки, метромизнинг доимо қуруқ туришини таъминловчи ортиқча сувларни тезда чиқариб ташловчи мосламалар ҳам ўрнатилганлиги бу метро ҳодимларига ҳамда йўловчиларга яратилган қўлайликлар сирасига қиради.

— Ўзингиз айтиб ўтдингизки ҳозирда ҳам вагонларимиз янгидай деб. Уларга эҳтиёт қисмларни кимлар тайёрлаб беришди?

— Бугунги бозор иқтисодиёти шартинда мамлакатимиз, айниқса пойтахтимизда рақобатбардош, импорт уринини босқинчи маҳсулотлар ишлаб чиқараётган корхоналар қўлайиб бормоқда. Албатта, бу биз учун ҳам қўлайдир. Жумладан, «Узэлектроразпарат» ҳиссдорлик жамиятида 58 номдаги электр жихозлари тайёрланмоқда. Чирчиқдаги трансформатор заводида эса бизга керакли бўлган трансформаторларни ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Шунингдек, «Коинот», «Технолог», «Академусуна» илмий ишлаб чиқариш бирлашмалари, «Герметик» ҳиссдорлик жамияти, «Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси» давлат

мустақиллик йилларида эришган ютуқлар, Ўзбекистонда хорижий инвестицияси учун яратилган шарт-шароит ва ҳуқуқий қафолатлар ҳақида батафсил гапириб берди.

Анжуманда республика «Бизнес-фонд» конференция қатнашчилари билан ҳамкорликда инвестицион фонд ёки лизинг компанияси тузиш тақлифини ўртага ташлади. Шуёба йигилишларида ўзбекистонлик тадбиркорлар тақлиф қилган инвестиция лойиҳалари немис ишбилармонларида катта қизиқиш уйғотди. Бевоқсон амалий алоқалар ўрнатиш хусусида узаро келишиб олинди.

Ўзбекистон Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси, республика «Бизнес-фонд»и Германия федерал ва улқа савдо-саноат палаталари билан биргаликда келгусида бир қатор тадбирларни ўтқа-

Ҳамкорлик

АЛОҚАЛАР ЯНАДА МУСТАҚАМЛАНАДИ

зишни режалаштирдилар. Жумладан:

Савдо ҳаракати стратегияси, менежмент ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва томонларнинг узаро таъриба алмашишлари юзасидан мейёрли, директив ва реклама-ахборот материалларини ўрганиб бориш;

— Германия бизнес вакиллари иштирокида тадбиркорлик муаммоларига бағишланган халқаро конференциялар ва амалий учрашувлар ўтказиш;

Ўзбекистондаги хусусий, кичик ва ўрта бизнес корхоналари раҳбарларининг ТА-СИС дастури бўйича ўқишларини ташкил этиш ва ҳоказо.

Ўзбекистонда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга немис технологияларини жалб қилиш юзасидан «Алкатель», «Тиссен», «Мерседес» сингари гигант (фирма)ларнинг вакиллари ҳам ўзбекистонлик тадбиркорлар билан ҳамкорлик қилиш истагини билдирдилар. Кўни кеча пойтахтимиздаги «Грифон ва В. Р. Лтд» ишлаб чиқариш фирмасига «Тиссен» компаниясидан ҳамкорлик қилиш истаги билдирилган тақлиф келди.

Хуллас, Германияда бўлиб ўтган ушбу анжуман, шубҳасиз, икки мамлакат ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик алоқаларининг келгусида янада мустақамлашшида муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Мирзаали АҚБАРОВ эзиб олди.

Тошкент шаҳар
Меҳнат аҳолини иш билан таъминлаш ва иқтисодий ҳимоя қилиш бош бошқармасига қарашли Бектемир тумани биржасида меҳнат қилаётган ҳодимларнинг тумандаги мавжуд маҳалла, корхона, ташкилот ва ўқув муассасалари билан алоқаси янада чамбарчас боғланиб, аҳолини иш билан таъминлашда бошқош бўлишмоқда. Бу фикримизнинг исботини яқинда бўлиб ўтган меҳнат байрами — «Бўш иш ўринлари ва вақант лавозимлар» ярмаркасида кўрдик.



Баналик

БИРЖАДАГИЛАР БОШ-ҚОШ

корхонада ишлаб чиқарилаётган нон ва нон маҳсулотлари ва қандолатчилик ширинликларидан хабар қилишиб, гоёт мамнун бўлишди.

— Бизнинг корхонамизда икки киши учун бўш иш ўрни бор эди, — дейди ҳодимлар бўлими бошлиғи Закира Алиева. — Уларни ҳам маҳсулот турини қўлайитириш мақсадида қабул қилишди. Ҳозир бир кунда 8–10 тонна урни тайёр маҳсулотга айлантиряймиз. 28 хилдаги нон ва нон маҳсулотлари, қандолат

лик маошлари ҳам вақтида берилиб, 7 мингдан 15 мингга етмоқда.

— Хисобчилик соҳасидаги ўқишни тутганимга уч ойдан ошди. Лекин маъқул келадиган иш топа олмай юрган эдим. Бундай меҳнат ярмаркасида биринчи мартабаша иштирок этибман. Тўғриси айтсам, ярмаркани бундай тасаввур қилармидим.

— Туманимиздаги хусусий, кичик ва давлат корхоналари биржа билан ҳамкорликда иш юритиб, ўз вақтида бўш иш ўринлари ва вақант лавозимлар ҳақида маълумотларини бериб боришмоқда, — дейди биржа раҳбари Ҳамидулла Халилов. Ҳамкорлик натижаларини ўтган ўн ой давомидаги ишларимиздан ҳам кўрсак бўлади.



Маҳсулотлари тайёрлашми. Нон ва булчуқлар «Винклер» печида пиширилмоқда. Бу маҳсулотлар «Бинокор», «Сувчи» даҳалари, Қўйлик бозори ва туманининг барча маҳаллаларидаги мавжуд дўконларга тарқатилади.

Корхонамизда 64 нафар ишчи смена асосида ишлайди. Иш шартномаси жуда яхши. Уларнинг меҳнатига қараб ой-

лардаги бўш иш ўринлари борлигини хабар топишга имкон туғилар экан, Шунингдек, маҳалланинг ҳар бирига алоҳида инспекторлар бириктирилган. Бугунги кунга келиб маҳаллалардаги 315 та оила ёрдамга муҳто деб топилди.

Бошқаруви олиш учун эса 735 оила муҳтожлик аниқлиниб, улар учун 980265 сум ажратилди.

Маҳаллаларда иш билан банд бўлмаган аҳоли сонини 2825 тани ташкил этиб, шундан 490 таси ишлаш хоҳишини билдирган. Бундан қўрилиб турибдики, биржа инспекторлари туман ҳокими муовинлари, маҳалла оқсоқоллари ва фаоллари, корхона ва ташкилотлар билан янада самарали ҳамкорликда иш юритиб аҳолини иш билан таъминлаш ва қайта ўқитиш борасидаги изланишларини янада кўнайитиришлари зарур.

Гулзода МАМБЕТОВА,
СУРАТЛАРДА: Бектемир туманида бўлиб ўтган «Бўш иш ўринлари ва вақант лавозимлар» меҳнат ярмаркасида лавҳалар.

Рустам Шарипов олган суратлар.

ПЕНТЕН ПЕНТЕН

Турли хом ашёлар чикитларини қайта ишлаш натижасида ишлаб чиқариш моддалар тайёрлашга ҳам эришилмоқда. Техника спирити, глицирин, эриган ёғ араваласидан ҳосил қилинган кимёвий модда. Эндилкида транспорт воситалари учун фойдали суоқлик сифатида мутахассислар эътиборини ўзига тортди.

Тошкент кимё-технология институти олимпиадининг самарали изланишлари янглиг юзага келган бу суоқлик автомобиллар тормози учун мослаштирилди. Ана шу янгилик ўзига хос технологияга эга бўлиб, уни тайёрлаш анча арзонга тушади. Бундай суоқлиқни ишлаб чиқаришда ёғ экстракция заводлари ҳамда нефтни қайта ишлаш корхоналари чикитлари асосий хом ашё бўлиб хизмат қилади.

Ушбу ихтирони яратишда бу олий ўқув юрти Термиз Давлат университети билан ҳамкорлик қилди. Тадқиқотнинг афзаллиғи Ўзбекистон фан ва техника давлат қўмитаси томонидан ижобий баҳолалиб, унга тегишли патент берилди.

Ақбар АЛИЕВ.

Иш қузини билганлар, мақсади йўлида ҳақиқий интиланлар, албатта баҳона эмас, имконият қидирадилар. Ислаб топилган имконият эса уларга ривожланиш йўлини туғди қўрсатиб берди. Пойтахтимизда фаолият кўрсатаётган «Пойдемник» ҳиссдорлик жамияти ҳам ишчи янги ҳаётда ташкил этишга астойдил қарат қилаётган жамоалар қаторидадир.

Марказий Осиёда ягона ҳисобланган ушбу корхонада қилинаётган саъй-ҳаракатлар боис маҳсулот сифати яхшиланиб, турни эса қўлайиб бормоқда. Маълумки, мамлакатимизда ҳозирда кенг қўламада бунёдкорлик ишлари олиб боришмоқда. Шу тўғрисида ҳам корхонада ишлаб чиқарилаётган оғир

сумликдан ортиқ маҳсулот тайёрлашга эришиб, ушш сўрхатини 104 фоизга етказди. Корхона ишчи-хизматчилари бугунги кунгача «Ўздэу» автокорхонаси, Навоий ва Олмалик тур-металлургия комбинатлари, Тахиташ ГРЭСи учун қўн қўнлава эга бўлган юк кутариш мосла-

маларини тайёрлаб берди. Айни кўнларда эса буюртмачилар сафи кенгайиб бормоқда. Бугунги кунда «Метроқурилиш» ва энергетика вазириллигига ҳам буюртмаларни ўз вақтида етказиб берилмоқда.

— Корхонамизга берилган ҳар бир буюртма, — дейди бош

маҳандис Виктор Дьяченко, — алоҳида лойиҳа асосида тайёрланапти. Малакали мутахассисларимизнинг сидқидилдан қилаётган меҳнатлари ва изланишлари тўғрисида маҳсулотларимиз сифатига эришилмоқда. Бозор иқтисодиёти талабларидан келиб

Шарофат БАҲРОМОВА.

Саноат

ИШ УНУМИ ОРТМОҚДА



Спорт

ШАҲРИМИЗ ЁШЛАРИ ГОЛИБ ЧИҚИШДИ

Республикада 2000 йили Сиднейда бўлиб ўтadиган XXI асрнинг дастлабки олимпиадасига қиз-гин тайёргарлик кўрилмоқда.

Унга ёш енгил атлетика усталарини тайёрлаш мақсадида республика давлат спорт қўмитаси ва Миллий Олимпия қўмитаси томонидан махсус дастур ишлаб чиқилиб, у 1998 йилдан бошлаб ҳавфга таътиб этила бошланди. Жумладан, 1996 йили республика спартакиадаси, 1997 йили усмирлар ўйинлари ўтказилди.

Яқинда «Пахтакор» уйингоҳида бўлиб ўтган енгил атлетика бўйича республика ёшлар ўйинлари эса олимпиадага тайёргарликнинг ўзиничи босқичи ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси спорт давлат қўмитаси ва республика енгил атлетика федерацияси томонидан ташкил этилган ушбу мусобақаларда ўч кун давомида Қорақалпоғистон Республикаси ва Навоий вилоятидан ташкари барча вилоятлардан келган 1976–80-йилларда туғилган ёш, умидли усмирлар ва қизлар 100, 200, 400, 800, 1500 метрга югуриш, 110 метрга тўсиқлар оша югуриш, уч хатлаб сакраш, баландликка ва узунликка сакраш, ядро, диск, босқон, найза улоқтириш, 10 километрга спортча югуриш, 1000 метрга эстафетали югуриш, 3000 метрга тўсиқлар оша югуриш каби спорт турлари бўйича ҳалқаро қоидалар асосида узару куч синашишди.

Шунингдек, уч хатлаб сакрашда Максим Чебукин, найза улоқтириш бўйича Майя Михалкина, 800 метрга югурувчилар орасида Замира Амироваларга тенг келадиганлар топилмади.

Умумжамоа ҳисобида ҳам жами 14105 та очко жамғарган Тошкент шаҳри жамоаси биринчи ўринни эгаллади. 1330 та очкога эга Андижон вилояти спортчилари иккинчи, 12839 очко туғилган пойтахт вилояти ёшлари учинчи бўлишди.

Дилшод ИСРОИЛОВ.

Ёнгин хавфсизлиги ойлиги

ЭЪТИБОРСИЗЛИК ОҚИБАТЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 10 ноябрдаги № 547-Ф Фармойишига мувофиқ республикада Ёнгин хавфсизлиги ойлиги ўтказилмоқда.

Бу ойлиқнинг асосий мақсади ташкилот ва корхоналарда, уқув муассасаларида ва аҳоли яшаш жойларида ёнгин хавфсизлигини бартараф этиш, тарғибот-ташвиқот ишларини олиб боришдир. Бинобарин содир бўлаётган ёнгинлар оддий ёнгин қоидаларига риоя қилинмаган ҳоллардан келиб чиқатганлиги қандай изоҳласа бўлади?

Келинг, мисолларга мурожаат этайлик.

● 1998 йил 3 май кунини Мировод тумани, Фитрат 3-тор кучаси, 4-уйда газ печи мурасининг носозлигидан ёнгин чиқиши натижасида шу ўйининг 150 квадрат метр том юзаси ва уй жиҳозлари, қўшни 6-ўйининг ҳам 15 квадрат метр том юзаси ва шифти ёнган.

● 1998 йил 11 ноябрь кунини Мировод тумани, Банокатий кўчасининг 198-уй, 59-хонадонидан ёнгин содир бўлди. Ёнгиннинг сабаби телевизорнинг қисқа туташуви эди. Ёнгин 50.000 сум моддий зарар етказди ва «1 Ўнгар» телевизорни, уй жиҳозлари, 15 квадрат метр жой ёнды.

1998 йилнинг 11 ойи мобайнида Мировод туманида 186 та ёнгин содир бўлди. Бу ёнгинлардан қўрилган моддий зарар 1100000 сумни ташкил этди. 3 киши ҳа-

лок бўлди, 9 киши турли жароҳатлар олди.

Ёнгин туғайли одамларнинг ҳалок бўлиши ва ёнгинларнинг келиб чиқиши олдини олиш мақсадида Мировод тумани 3-Ёнгиндан сақлаш бирикмаси ёнгиннинг олдини олиш қоидаларига амал қилишларини эслатиб ўтди.

Ташкилот, корхона, уқув муассасалари раҳбарлари ва фуқаролар фаоллари ёнгин хавфсизлиги ойлигини ўтказиш чора-тадбирларини кўриб чиқишлари ҳамда шу жойларда ёнгин содир бўлмастлигини таъминлашга эътиборини қаратишлари керак. Оловдан нотўғри фойдаланиш, ман қилинган жойларда чекиш, уй атрофидаги қуруқ ўтлар, шох-чаббаларни, ҳазонларни ёқиш, электр асбоб-ускуналаридан нотўғри фойдаланиш ва бошқа сабаблар ёнгин чиқишига олиб келади.

Хурматли ҳамшаҳарлар, ёнгин техника хавфсизлиги қоидаларига риоя қилинг. Ёнгин чиққанда «01» телефони орқали дарҳол ўч ўчириш хизматини чақиринг.

Д. АСКАРОВ, Мировод тумани кўриқловчи 3-ҳарбийлаштирилган ёнгиндан сақлаш бирикмаси ходими, капитан.

БОШ МИЯ ИМКОНИЯТЛАРИ

Исроилда ўтказилган янги тадқиқот ишлаб турган бош ми я узининг ташкил этилганлиги ва гузаллиги билан дол қолдиришни нейрон турлари адренотоксинини биринчи бор қуришга имкон берди.

Одам миаси ҳамма йўналишларда сигналлар юбурчи ва қўллаб турли хил алоқаларни ўрнатувчи минглаб нерв ҳужайралари — нейронлардан иборат. Нейробиологлар ишлаб турган ми яда тартиб борлигини гумон қилишадди, лекин фақат йўналишдаги Вейдман институтини профессорини ғинавалли сезилганлиги ҳозирда Габрида мавжуд ҳамма услублардан анча катта бўлган. 0,05 миллиметрга улчанмига деталларни кўриш имконини берадиган янги сканерлаш усулини ишлаб чиқди. Ушбу ревизион услуб ёрдамида ўтказилган тадқиқот кескинлик, форма ва рангини ахиратиш қобилияти бўлган қўришнинг 3 жиҳатига ҳавога нейронларнинг узаро фазовий алоқаларини ўрганишни мақсад қўйиб қўйган эди. Чўқурик, кескинликни ахиратишга жавобгар нейронлар параллель устунлар қўришида, форма ва рангини ахиратувчилар эса марказлари колонналар марказлари бўйича деярли турли жойлашган гилдирақлар синалларини эслатувчи рақсимни ташкил этадилар. Бу ўз навбатида гузаллиги ва ташкил этилганлиги билан кишини мафтун этувчи ми янинг архитектура асосида ишлаш тўғрисида бўлган имкониятларнинг чеки йўқлигини кўриш тўғрисида ишлаб чиқилган олимларга ёрдам беради.

ЯНГИ БИОЛОГИК МАЪЛУМОТЛАР

ЮНЕСКО томонидан Вейдман номидан институтда қақчилган Халқаро конференция Исроилда содир бўлган тадқиқотларнинг янги қилинган Осиё ва Шарқий Европа мамлакатлари учун қўмилотерлаштириш кенг қўллашларини ишга туширишни тақлиф этди.

Исроиллик мухтаассислар бўлган Халқаро конференциянинг Хитой, Ҳиндистон, Туркия ва Поляша давлатларини ҳамкасбларини молекуляр биология ва генетика бўйича энг янги натижаларини олиш имконини берувчи махсус қўмилотерлаштиришда ишлашга ўргатилдилар. Вақт ўтиши билан бу давлатларнинг биоринформатиканинг аниқ шў бўлишлари бўйича маълумотлар базасига айлантириш ҳамда бу базаларга ривожланган қўшни мамлакатларни улаш режалаштирилмоқда. Исроил олимлари лойиҳасининг мақсади қўриш ривожланган санатли мамлакатлар олимлари олиши мумкин бўлган энг янги биологик маълумотлардан фойдаланиш имконини Поляша эси Хитой олимлари учун ҳам яратиш. Хусусан исроиллик маълумотлар уларга қишлоқ ҳужайралини ва қўл ирригациясини яхшилашга имкон беради.

БИРГАЛИКДАГИ КАШИФЕТ

Бош ми ҳужайраларини шикастланишдан ва нобуд бўлишдан сақловчи моддаларни топиш энг асосий табиий масала бўлади, чунки бош мидаги нейронлар бошқа узига келмади.

Шунинг учун ҳам Тель-Авив университети профессори Илана Голесонинг Америка Миллий саломатлик институтининг доктори Юренсенман билан биргаликдаги кашфиети, катта эҳтишомга эга. Профессор Голес мия нерв ҳужайраларини фаол равишда химия қўлуви янги оқилни аниқлади. Унинг нейронлар ҳаёт фаолиятини сақлаб туришдаги асосий роли бош ми қўбигидан олинган ҳужайралар солинган пробиркада унинг концентрация-

Хорижа

си қамайтирилганда апоптозис (ҳужайраларнинг дастурланган ўлими) ҳолати кескин тезлашиши кўринди. Шу билан бирга АОНФ деб номланган янги химия оқилни аввалги маълумотларига нисбатан бир қанча афзалликларга эга. Унинг ОИТС (СПИД) вирусини қўбиги таркибига кирувчи оқилдан, шунингдек Альцгеймер касаллиги таъмин қилинган нейротоксин агентини — бета-амилоиддан нейронларни юқори химия қилиш қобилияти исботланди. Бундан ташқари АОНФ ми янинг бошқа химия оқиллари самардорлиги кузга қўринадиган концентрациядан бир неча бор кичик бўлганда ҳам актив бўлади. Ушбу ҳол ми я томонидан осон ўзлаштирилишини енгиллатган равишда уни даро теларияси учун жуда перспектив қилади. Янги Исроил кашфиети ОИТС ва Альцгеймер касалликлари оқилнинг оғир нейробиологик қўришларига қарши курашишда инқилоб деса бўлади.

ХОРИЖДА ИСРОИЛЛИК РАССОМЛАР

Биринчи қараида Ме-наше Қадиманининг «По-да» кўргазмаси ўз номига муносиб: 550 та расмдан ҳар бир кузатувчига қўйинг, бир ҳафт кузи қараб туради.

Бирок бу подада қўйлар оловли абстракт шакллар фонидан турли чизилар билан тасвирланган. Илҳақнинг қўбонлари — Акединнинг рами бўлган қўбон тасвирли суратларда қандайдир ўчмалик ва тантана сезилиб туради. Қадиман учун Акеда ўз навбатида болаларини уруш қўбонлари қилган жамиятнинг рами ҳисобланади. Тарихдаги таъриқнинг озуларига қараганда, кўргазма «ҳаёт ва ўлимни тасвирлайди». Кўргазма Пекиндаги миллий галереяда Исроиллик «Хитойдаги элчилик иштирокида очилганидан кейин Хитой шаҳарлари бўйлаб жунади. Рассом Қадиманининг яна бир янги лойиҳаси Голландияда бўлиб ўтган «Шалер» «Ўқилган барглар» кўргазмаси ҳам муваффақият қозонди. Бу экспозицияда ерга занг рангидан қилиб қўйилган қўбонлар ме-талл дисклардан тилан эзилган. Ҳар бир диск примитив бақирда қўйиб қолган инсон озириб. Бу нима — фалокат қўбонларига ҳурматли «Газзаб» қўбонларига туғусининг абстракт тасвиридир? Ёрнинг ҳар бир квадрат метрида ётган бу юзларни қўргандан турли нарсалар миға келади.

ПАБЛО АРИЭЛЬ МУВАФФАҚИЯТИ

Пабло Ариэль уни минг деб номлашларини ёқтирмайди. Тўғриси айтганда, уни худди шундан қилиб мултимедиа жанри артисти, театр ёки опера режиссёри, кўнрик-чок театри директори деб номлаш ҳам мумкин.

Бу ерда «рассом» сўзи катта аҳамият касб этади. Пабло Ариэль ҳар доим турли хил лойиҳалар билан шуғулланади: бунда болаларда юмористик мултиглавлар орқали қадриятларини сингдиришга мўлжалланган телевидение дастурлари ҳам, турли рангдаги улкан кўнриклар ва бошқа режиссёрларнинг фойдаланишга қўна томошалари ҳамдир. Ариэль қўбонга Қўдус симфоник оркестри билан бирга «Олави» сериалларда қатнашади, бунда у дирижёр ёнида туриб болаларга мусика ҳақида гаплашади. Деярли биринчи сўз ишлай, режиссёр, экспрессия ва тана тили билан ўз оғзини томошбинларга бера олади, улар эса ёши ва миллатидан қатъи назар унинг қўвончидан бир қисмини ўзига олади. Шу йил май ойи охирида Ариэль режиссёр, кўнрикчи ва маҳоратини ўзи билан олиб корейлик томошбинини ўзига тортишга йўл олган эди, бунинг урдасидан ҳам чиқди.

Бош муҳаррир Акмап АҚРОМОВ

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»

Сизнинг рекламаларингизни, хусусий эълонлар ва хусусий бизнес бўйича эълонларни, шунингдек таъзияларни, таваллуд кунлари, туилар, юбилейлар муносабати билан қўтовларни, никоҳ эълонлари ва шунга ўхшаш эълонларни ўз саҳифаларида ёритади.

Эълонлар шанба ва ақшанбадан ташқари ҳар кун соат 9.00 дан 17.30 гача қабул қилинади.

Маълумотлар учун телефон: 133-28-95.

Факс: (3712) 133-29-09.

МАНЗИЛИМИЗ: МАТБУОТЧИЛАР КҮЧАСИ, 32-УЙ, 2-ҚАВАТ, 204-ХОНА.

2-Тошкент Давлат тиббиёт институтини ректорати, жамоатчилик ташкилотлари ва эпидемиология, микробиология кафедрасининг ходимлари кафедра мудири, профессор О. М. Мирзаевага рафқаси

Ҳадича Нормуродовна УЗОКОВАнинг вафот этганини муносабати билан чўқур таъзия изҳор қилади.

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

ГАЗДАН ХАВФСИЗ ФОЙДАЛАНИШ ҚОИДАЛАРИГА АМАЛ ҚИЛИНГ!

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 10 ноябрь 547-Ф сонли фармойиши ва Тошкент шаҳар ҳокимлигининг 1998 йил 16 ноябрдаги 449-сонли қарорига асосан Тошкент шаҳрида 1998 йил 16 ноябрдан 16 декабрга қадар ёнгин хавфсизлиги ойлиги ўтказилмоқда.

Кундалик ҳаётимизни газсиз тасаввур этиб бўлмайди. Овқатимиздан тортиб иссиқ сувимизгача ва албатта хонадонимизни иситишда ҳам табиий газдан фойдаланамиз. Бунинг учун ёнишдан ҳосил бўлган чиқитлар мўрқонлар орқали чиқариб юбориладиган ҳар хил газ асбоблардан фойдаланилади. Газ колонкаси ва газга ўтказилган колонка, иситиш ва иситиш-қайнатиш печлари АГВ-80, АГВ-120, КЧМ ва бошқа русумли сув иситгичлар шулар жумласига киради. Ушбу асбоблар мўрқонли бўлиб, улар ўрнатилган хоналар эса ишлайдиган ҳаво ҳайдагичларга эга бўлиши керак. Мўрқон ва ҳаво ҳайдаладиган каналларни ўз вақтида текшириб туриш куз-қиш ойларида уларнинг барқарор ишлаши таъминлайди ва Сизларни бахтсиз ҳодисалардан асрайди.

Зеро, ҳаво ҳайдагич бўлмаса, газ ёниб турганда ҳосил бўладиган ис газни хонага ёйилади ва одамларни заҳарлайди.

Мўрқонларни ўз вақтида текширмаслик натижасида эса бахтсиз ҳодисалар, ёнгинлар рўй бериши мумкин.

Мўрқон ва ҳаво ҳайдаш каналлари бузилишининг олдини олиш ва таъмирлаш масалалари юзасидан турар жойингиздаги туман газлаштириш бошқармасига мурожаат қилишингиз лозим. Агар мўрқонларнинг яроқли эканлиги ҳақидаги далолатнома белгиланган муддатгача туман газлаштириш бўлимига тақдим этилмаса, у ҳолда газ асбоблари газ тармоғидан оғохлантирмай узиб қўйилади.

Газ асбобларини ўз ўрнидан ўзбошимчалик билан қўчириш ва газ қувури ўрнига резина ичакдан (шланг) фойдаланиш ҳам ёнгинларга, портлашга ва бошқа бахтсиз ҳодисаларга олиб келади.

Хурматли ҳамшаҳарлар! Мўрқонли, дудбўронли газ асбобларидан фойдаланишдан аввал уларни тортиш кучи борлигини текшириш ва фақат тортиш кучи бор бўлган газ асбобларидан фойдаланиш мумкинлигини ёдингиздан чиқарманг!

Оқма ва бошқа сув иситгичларда тортиш кучи гўгуртни ёқиб мўрқон қалпоғига тутиш орқали текширилади. Агар тортиш кучи яхши бўлса, гўгурт оловини қалпоқ остига тортиб кетади. Иситиш печлари мўрқонларининг тортиш кучи юққа қозон парчасини мўрқон қалпоқчасига тутиш орқали текширилади. Агар тортиш кучи меъёрида бўлса, юққа қозонни қузатиш дарчаси томон тортади. Ваннахоналарга, ҳаммомларга ўрнатилган газда ишлайдиган сув иситгичлардан фойдаланишда эшикнинг ташқи қисмидаги тирқишни ва ҳаво ҳайдаш йўлларини беркитманг, чунки улар ичкарига тоза ҳаво киришини таъминлайди.

Шахсий мулки бўлган ва идорага қарашли уйларда яшовчи абонентлар газ асбобларида тортиш кучи йўқ бўлган ҳолларда мўрқонларни текшириб ва тозаалаб беришларини сўраб уй-жой идораларига, хусусий сектордаги уй эгалари эса Тошкент шаҳар кўнгилли ўт учирши жамиятига Темури Малик кучаси 114-уйга, «Т-Нуробод» ХК Алиев кучаси, 72-уй, «Олимпон» ЖК Лангар кучаси 161-уйга ёки турар жойлардаги туман газ идораларига мурожаат этишлари керак.

Хурматли ҳамшаҳарлар, ёдда тутинг! Қўп қаватли ва хусусий уйларда яшовчи баъзи фуқаролар уйни иситиш учун газ плиталарини (ПГ-2, ПГ-3, ПГ-4) ёқиб қўядилар. Бу эса газ сарфини ошириб, одамларнинг заҳарланишига ва касалланишларига олиб келади. Газ плиталари — фақат овқат пишириш ва чой қайнатишга мўлжалланганлигини унутманг! Бинода газ ҳидини сезсангиз дарҳол барча газ жўмрақларини беркитинг, бинони шамоллатинг, олов ёқманг, электр асбобларини ёқманг ва учирманг. Зудлик билан авария хизматини «04», 55-44-27, 53-56-31 телефонлари бўйича чақиринг.

УНУТМАНГ! Табиий газ ёқилганинг энг қулай тури бўлиб, фойдаланишда техника хавфсизлигига қатъий риоя қилишни талаб қилади, чунки газ қулай бўлиш билан бирга хавфли хусусиятга — портлаш хусусиятига эга.

Табиий газ — бизнинг бойлигимиз, уни тежаб ишлатиш ҳар биримизнинг бурчимиз. Газни тежаб ишлатиш мақсадида ҳозирги даврда ҳар бир хонадонга газ ҳисоблагичи қўйиш зарурати туғилди. Тошкент шаҳар ҳокимлиги буйруғига асосан 2002 йилгача Тошкент шаҳрида газ ҳисоблагичлари ўрнатиш дастури тузилган. Бунга асосан навбатма-навбат ҳар бир хонадонга газ ҳисоблагичи ўрнатилади.

Хурматли ҳамшаҳарлар! Газдан фойдаланишда портлаш, ёнгин, заҳарланиш ва бошқа бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш учун қўйидаги газ асбобларидан фойдаланиш қоидаларини бузманг:

- газ асбобларида газни ёниқ қолдирманг, чунки аланга учиб қолиши ва оқибатда хонага газ йиғилиб заҳарланиш, ёнгин, портлаш юз бериши мумкин;
- болаларни ва махсус йўл-йўриқ ўқитилмаган шахсларнинг газ асбобларидан фойдаланишига йўл қўйманг;
- газ асбобларини ўзбошимчалик билан бошқа жойга қўчирманг;
- газ асбоблари газ тармоғига резина ичаклар билан улаш тақиқланади.
- хонада газ ҳидини сезишингиз билан туман газ идорасини ёки «04» рақамли телефон орқали авария хизматини чақиринг.

Газ ҳўжалиги ходимлари етиб келгунча, хонадаги газни ҳайдаш чорасини кўринг, эшик ва деразаларни очинг, гўгурт ёқманг, чекманг, электр асбобларидан фойдаланманг, электр чироқларини ёқманг ва учирманг.

«ТОШГАЗ» ШАҲАР БОШҚАРМАСИ.

ТОШКЕНТ ШАҲАР ЭЛЕКТР ТАРМОҚЛАРИ КОРХОНАСИНИНГ ЭНЕРГИЯНИ СОТИШ ХИЗМАТИ БАРЧА ИСТЕЪМОЛЧИЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

1998 йил якунлари бўйича Тошкент шаҳар электр тармоқлари корхонаси фойдаланилган электр энергияси учун ҳақларни ўз вақтида тўлайдиган истеъмолчилар ўртасида мукофотлар ютуқларини ўтказди.

Унда битта мукофот — рангли телевизор; иккита мукофот — видеомагнитофон; учта мукофот — аудиомагнитофон уйналади.

Сиз лотерея билетларини харид қилиш учун пулингизни сарфламайсиз. Ҳар бир истеъмолчи мукофот соҳиби бўлиши мумкин.

Мукофотлар ютуғида истеъмолчилик китобчангизнинг рақамлари иштирок этади. Бошқача қилиб айтганда — Тошкент шаҳар Электр тармоқлари корхонаси истеъмолчиларининг барча шахсий ҳисоблари рақамлари қатнашади.

Мукофот фойдаланган бутун электр энергияси учун ўзининг барча қарзларини ўз вақтида, шу йилнинг 31 декабрига қадар узган истеъмолчига берилади.

Маълумотлар учун телефонлар: 133-82-03, 136-60-32.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ
Toshkent oqshomi

Муассис:
ТОШКЕНТ ШАҲАР
ҲОКИМЛИГИ

Манзилимиз:
700000, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

Телефонлар:
хатлар — 133-29-70;
эълонлар: 133-28-95,
132-11-39.
факс: (3712) 133-29-09.

Душанба, тоғманба
ва жума
кунлари таъди.
Навр кўрсатилган
209

Нашрин етказиб
бериш масалалари
бўйича турар жойлардаги
почта бўлимларига ёки
«Тошкент почтаси»га
133-74-05 телефонига
мурожаат қилишингиз
мумкин.